

## МУСТАҚИЛ АУДИТОР ХУЛОСАСИ №8

«SQB INSURANCE суғурта компанияси»  
АЖ Кузатув кенгашига

2026 йил 01 апрел

Тошкент шаҳар

**БУЮРТМАЧИ:** Ижро этувчи орган

<b>БУЮРТМАЧИ:</b>	<b>« SQB INSURANCE суғурта компанияси » АЖ</b>
Юридик манзили:	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кучаси,5-уй;
Телефон/факс E-mail , сайт:	(+998) 71 202 5505
Ҳисоб рақам / Банк номи:	20216000100959339001, “Узсаноатқурилиш банк” АТБ бош офиси, МФО 00440
Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида маълумот:	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани давлат хизматлари марказининг 2018 йил “29” ноябрдаги 653371-сон билан рўйхатдан ўтказилган.
Лицензия	Лицензия SF №00027 от 04.02.2022
СТИР	305880294
ОКЭД	65120

## АУДИТ ТАШКИЛОТИ:

<b>Аудит ташкилоти:</b>	<b>МЧЖ «TAX BIZNES AUDIT» АТ</b>
Юридик манзили:	100207, Ташкент шаҳар, Яшнабад тумани, Мохинур МФЙ, 3-Тузел мавзеси, 4-уй, 57-хонадон
Телефон/факс	+998 (93) 500 88 94
E-mail , сайт	<a href="mailto:tax.biznes.audit@mail.ru">tax.biznes.audit@mail.ru</a>
Фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат ёки реестр номи	Ўзбекистон Республикаси Иқтисод ва Молия вазирлиги аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи Реестри 2024 йил 16 октябрдаги №147
Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида маълумот:	Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани давлат хизматлари марказининг 2024 йил “21” сентябрдаги 2580231-сон билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳисоб рақам / Банк номи:	20208000307148920001 / Тошкент ш., «ИПОТЕКА БАНК» АТИБ Яшнобод ф-ли МФО 00959
Директор	Қурбонов Ахмет Камил ўғли
Аудитор сертификати	Аудитор малака сертификати № 06178 «Buxgalterlar va auditorlar imtihon markazi» томонидан 26.02.2023 йилда берилган.

«SQB Insurance» сугурта компанияси» АЖнинг 2025 йил 01 январдан - 31 декабрга бўлган молиявий ҳўжалик фаолияти даврида, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг бухгалтерия баланси, молиявий натижалари, хусусий капитали ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Биз Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TAX BIZNES AUDIT» аудиторлик ташкилоти бош директори бош аудитор А.Курбанов ва аудитор С.Бойсариевлар томонидан жамиятнинг 2025 йил 31 декабр ҳолатига бўлган “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида “Фойда ва зарарлар тўғрисида”ги ҳисоботи, “Хусусий капитал”даги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботи, “Пул оқимлари тўғрисида” ги ҳисоботи, шунингдек “Ҳисоб сиёсати” ни аҳамиятли коидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

### ***Аудитнинг муҳим масалалари***

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги.

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, МҲҲС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият жамият фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган аҳборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан жамият фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса. Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар жамиятнинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

### ***Ташкилот раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги***

Ташкилот раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш, шунингдек жамият раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан ҳоли молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

### ***Аудиторнинг жавобгарлиги***

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг халқаро стандартларига (АҲС) асосида ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди. Аудит молиявий ҳисоботларда акс

этириладиган суммалар ва очиб берилладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-тамоилларни ўз ичига олади. Танланган тартиб-тамоиллар аудиторнинг мулохазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузиб кўрсатишлар таваккалчиликларга берилган баҳога боғлиқдир. Бундай таваккалчиликларни баҳолашда, компания ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-тамоилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади.

Аудит ўтказиш қўлланилаётган ҳисоб сиёсатини мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларни асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларни умумий ифодаланишини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фаолиятимизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

### *Аудитор фикри*

Бизнинг фикримизча, ««SQB INSURANCE» суғурта компанияси» АЖ нинг 2026 йил 01 январ ҳолатидаги тақдим қилинган молиявий ҳисоботлари барча муҳим жihatларида Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандардларига мувофиқ ҳаққоний акс этирилган.

«TAX BIZNES AUDIT» МЧЖ  
аудиторлик ташкилоти аудиторлари  
(Аудитор малака сертификати № 06178 «Buxgalterlar va auditorlar imtihon markazi» томонидан 26.02.2023 йилда берилган.)

Аудитор:  
(Аудитор малака сертификати № 05659 «Buxgalterlar va auditorlar imtihon markazi» томонидан 24.01.2020 йилда берилган. 2035 йилгача узайтирилган.)



А. Курбонов

С. Бойсариев